

Бебаҳо анъаналар, боқий қадриятлар



Коракалпоғистон Республикасида «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди. Аввал хабар қилганимиздек, мазкур нуфузли тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Байрамонга фестивал 5 май куни эрта тонгдан катта халқ сайли билан бошланди. Икки кун давомида Нукус шаҳри ҳамда Эликкальва туманидаги қадимий Тупроққалъа ёдгорлиги санъат намоёндалари, уста хунармандлари, ижодкор ёшлар, юртимизда фаслият кўрсатётган бир қатор дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар билан гавжум бўлди.



Фестиваль Нукус шаҳрида жойлашган миллий чолғу асбоблари устанасининг очилиши билан бошланди. Тадбир ташкилотчилари сай-ҳаракати туйғули мукамал таъмирланиб, барча зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган ушбу ажойиб масканда хунармандларнинг амалий семинари ўтказилди. Унда моҳир хунарманд Азатбай Ўтарбаев қоракалпоқ миллий мусиқа асбобларининг тарихи, уларни яшаш усулларига оид қизиқарли маълумотларни тақдим этди.

— Миллий мусиқа санъатимиз-

нинг ажиб бир сехри, жозибаси бор, — дейди уста. — Айниқса, жиров, бахши, қиссахонлар ижоди эл орасида ҳамisha эътибор қозонган. Қадимда санъаткорлар достон, насихат-терма, тўлғовларда тарихий воқеликларга таъриф беришар экан, дутор, кўбиз, чанқўбиз каби чолғу асбобларидан фойдаланганлар. Ушбу мусиқа асбобларини яшашнинг ўзига хос услуби, таъбир жоиз бўлса, технологиясини яратган ҳам уларнинг ўзидир. Бугун ана шу анъанани муносиб давом эттиришимиз, иқтидорли шогирд-

лар тарбиялашимиз учун биз, хунармандларга юсак шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Зеро, устанамизнинг мана шундай ҳавас қиларли даражада таъминланганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Хунармандлар йиғинидан сўнг Нукус шаҳрида жойлашган И. Савицкий номидаги санъат музейида Оролбўйи худуди ривожланишининг тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари мавзудаги давра суҳбати қизғин тус олди. Тадбирда бугунги экологик шароитда аҳоли турмуш

тарзини яхшилашга қаратилган янги инновацион лойиҳалар тақдим қилинди.

...Қадимий Тупроққалъа ёдгорлигида миллий либослар намоёйиши, фольклор жамоалар кўриги, ошпазлар танлови, миллий кураш ва улоқ-кўпқари мусобақалари, анъанавий халқ ўйинлари фестивали ўтказилди. Амалий санъат кўргазма-ярмаркасида эса кулол, кандакор, каштадўз, гиламдўз, ёғоч ўймаkori, миниатюра устаси сингари устоз-шогирд хунармандлар ўз маҳоратларини намоён этишди.

Фестивалнинг энг ёрқин тадбирларидан бири, қадимий анъаналар ва замонавий мода ўй-ғунлиги акс эттирилган Миллий либослар намоёйишида юртимизнинг барча ҳудудларига хос ранго-ранг либос, аксессуару андозалар меҳмонлар ҳамда иштирокчиларга тақдим қилинди. Бу галги тадбирда, айниқса, қоракалпоқ миллий либослари ва уларнинг яратилиш тарихига алоҳида урғу берилганлиги эътиборга моликдир.

(Давоми 3-бетда).

Тараққиётни жадаллаштирувчи инновациялар

Шу йилнинг 3 — 5 май кунлари бўлиб ўтган V Республика инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасининг аввалиги йиллардагидаги фарқли жиҳати шундаки, унинг иштирокчилари тўлиғича амалий ҳамкорликка эришдилар. Ташкилотчилар бунинг намоёйиши қилинган инновацион ишланма ва технологияларнинг маромига етказилгани, энг асосийси, улар иқтисодий тасмоқлари эҳтиёждан келиб чиқиб яратилгани билан изохлашмоқда.

Дарҳақиқат, бу йил интеллектуал мулк яратувчилар томонидан 814 та ариза келиб тушган бўлиб, улар орасидан энг истиқболли ва самарали

ри томонидан яратилган антикор «АКВ-1» металл сиртини қопловчи қоплама кислотага чидамлилиги билан ажралиб туради. Шу боис уни озик-овқат, кимё, нефть-кимё, қоғоз-целлюлоза, газни қайта ишлаш каби саноатнинг муҳим тармоқларида қўллаш мумкин. Ваҳоланки, бугунги кунда бундай материалларга бўлган ички эҳтиёж импорт эвазига таъминланмоқда. Янги технология шарофати билан импорт ўрни қоплаиб, қурилиш материаллари ҳамда иншоотлар чидамлилиги 2-3 марта ошади, уларнинг таннархи камда 15-20 фоизга арзонлашади.

Яна бир инновация — Тоғли худудлар учун микро ГЭС

V Республика инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида умумий қиймати қарийб

11 миллиард
400 миллион

сўмлик 300 дан ортиқ хўжалик шартномалари имзоланди.

голяларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига мувофиқ, илм аҳлига кўрсатилаётган гамжўрлик, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган сай-ҳаракатлар меваси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ярмаркада намоёйиш қилинган ишланмаларнинг 154 таси саноат, 55 таси қишлоқ хўжалиги, 85 таси соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, 56 таси ахборот технологиялари, 16 таси илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Улар нафақат янги ёки импорт ўрнини босувчи эканлиги билан, балки экологик хавфсизлиги, энергияни тежаш, айниқса, икклиматик ресурслар, яъни чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланганлиги билан мутахассислар эътиборини қозонди. Масалан, Умумий ва ноорганик кимё институти олимла-

қурилмаси барчада бирдек қизиқиш уйғотди. Негаки, Жиззах политехника институти олимлари томонидан такли этилаётган бу қурилма қайта тикланувчи ресурслардан фойдаланиб, тоғли худудлар аҳолисини экологик тоза, арзон электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Унинг модели институт худудидан оқиб ўтувчи каналга ўрнатилиб, синовдан ўтказилди. Натижда мазкур қурилма ёрдамда 1 кВтдан 100 кВтгача электр энергияси ҳосил қилиш мумкинлиги маълум бўлди. Қурилма чархалаги сой ва ирмоқларнинг бир томонида мазкур қурилма ёрдамда унга сел ва тошқинлар даярли таъсир кўрсатмайди. Микро ГЭСни куриш камжаражат эканлиги эса алоҳида диққатга сазовор. Яъни зарур асбоб-ускуналар сотиб олиш ва синовдан ўтказиш учун атиги 2 миллион сўм сарфланади, холос.

(Давоми 2-бетда).

Шукроналик

9 май мамлакатимизда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Зотан, юртимизда ушбу сана билан тақдир боғланмаган бирорта хонадон, оилани топшиш мушкул. Шу боис бу байрамга ўлкаимизнинг ҳар бир шаҳри, қишлоғу маҳаллаларида жиддий ҳозирлик қилинаётир.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, қолаверса, саховатпеша инсонлар томонидан кекса авлод вакилларига меҳр-мурувват кўрсатилаёпти. Улар иштирокида махсус учрашув ва давра суҳбатлари, хотира кечалари ўтказилмоқда. Ана шундай шукули дамларда барчанам дилида, тилида — шукроналик. Бунинг тадрижиясида мактуб йўллаётган, қўнғироқ қилаётган юрдошларимизнинг дил сўзларидан ҳам яққол англаш мумкин.

Эътибор, эҳтиром, мурувват

Сирлибой КЎБАЕВ, уруш фахрийси, Кўшработ тумани, Озод маҳалласи:

— Бу йил саксон саккиз ёшни қаршиладим. Етти ўғил, уч қизимнинг барчаси уйли-жоили, тинч-тову. 100 дан ортиқ неварам, 40 дан ортиқ чеварам атрофимда парвона. Эшмуроджон неварам — мустақиллик тенгдоши, 21 ёш оstonасида. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ўқийди. Унинг камолини кўриб қувонаман. Истиқлол билан қадам-бақаддам улғаяпти. Ҳаммасидан ҳам шу неварам эпчилроқ экан. Тошкентдан

қўнғироқ қилиб, Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» ги Фармони эълон қилинганини айтиб, табриқлади. Шундан бери хонадонимизда байрам. Дараклаб, ҳол сўраб, қўлаб келувчиларнинг кети узилмайди. Маҳалладаги тадбирларни айтмай-қизимизми?! Давраларнинг тўри — бизники. Яқинда Юртбошимизнинг пул мукофотини қабул қилиб олдик. Ёнида яна бир даста соғла-саломлар. Умримнинг кейинги йиғирма йилини шундай эъзоз-эътиборда, роҳат-фароғатда ўтказаялман. Кексалик гапти, деганлари шу бўлса керак-да.

(Давоми 2-бетда).

Рустам РЎЗМЕТОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Амурдари тумани бўлинимаси раиси:

— Азалдан маҳалла-қўйга кўпни кўрган нурунийлар, тажрибали кайвонилар бош-қош бўлиб келишган. Бугун бу хайрли анъаналар янада ривож топмоқда. Бирор бир тадбир улар маслаҳати, розилиги ва иштирокисиз ўтмайди. Жумладан, айни кунда туманимизда 250 нафар уруш ва меҳнат фахрийси истиқомат қилаётган бўлса, улар кўмагидан фаолиятимизда кенг фойдаланаялмиз. Ўз навбатида, бундай нуруний отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олишни қанда қилганимиз йўқ. Жамоат фондими, фуқаролар йиғинлари ва ҳомиёлар томонидан уларга меҳр-мурувват кўрсатилаёпти. Шунингдек, жойларда ўқувчи-ёшлар ташаббуси билан тузилган «Мадад» гуруҳлари уруш қатнашчилари, ёлғиз, эҳтиёжманд кексалар ҳолидан хабар олиш баробарида, уларнинг уй-рўзгор ишларига яқиндан кўмаклашишяпти. Хонадонлари таъмирлаб берилмоқда. Бундай эзгу ишлар янада кенг қулоч ёзиб,

Ўзбекистоннинг сармоёвий салоҳияти Житойда тақдим этилди

Хитойнинг Цзянсу провинциясида Ўзбекистон савдо-иқтисодий ва сармоёвий салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Цзянсу провинциясининг Саноат ва савдо федерацияси, Савдо-саноат палатаси ва Тижорат департаменти вакиллари иштирокида ўтган ушбу тадбирда мамлакатимизда хорижий сармоёдорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Биз ва жаҳон

Тақдиротда, шунингдек, Жиззах вилоятида Юқори технологиялар саноат парки қурилиши доирасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳамда «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида худуд шундай ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд қилиш имкониятлари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Цзянсу провинциясининг Тижорат департаменти бош директори ўринбосари Чжао Жин бундай тадбирларнинг ўтка-

зилиши ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, икки томонлама алоқаларнинг муайян йўналишларини ишлаб чиқиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда манфаатдор бўлган ишбилармон доиралар вакилларига мамлакат салоҳияти ҳақидаги муҳим маълумотларнинг тақдим этилиши нуктаи назардан жуда фойдали эканлигини айтди.

Чжао Жин таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда Цзянсу компаниялари Ўзбекистонда умумий қиймати 9 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 6 та лойиҳани рўёб-

га чиқармоқда, 2012 йилнинг 2 ойи ичида савдо айланмаси 66 миллион АҚШ долларига етди. Унинг фикрича, мазкур кўрсаткичлар томонларнинг салоҳиятига мувофиқ эмас. Ч. Жин Ўзбекистонда қулай сармоёвий муҳит мавжуд эканлигини қайд этаркан, хитойлик шериклар учун кенг имконият ва имтиёزلарнинг яратилганини таъкидлади. «Бундай муҳит сармоёвий ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилади», деди у.

Чжао Жин Жиззах вилоятида Юқори технологиялар саноат паркин ташкил этиш қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги Фармонининг қабул қилиниши Хитойда чуқур ўйланган ҳамда стратегик тўғри қарор сифатида баҳоланаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Истеъмол товарлари кўпаймоқда

2012 йилнинг дастлабки чорагида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши **5,4** фоизни ташкил қилди.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллаштиришни чуқурлаштириш бўйича кўрилатган изчил чора-тадбирлар тўғрисида аналитик ҳисоб хабарини тақдим қилди.

Бир рақам шарҳи

Муқобил энергия: Изланиш ва истиқбол

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида V Республика инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси доирасида ўтказилган семинар «Ўзбекистонда муқобил энергетика ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусига бағишланди.

Семинар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамда Муқобил ёқилги ва энергия корхоналари асоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутат-

лари, Экоҳаракат фаоллари ва экспертлари, олимлар, мутахассислар, қуёш ҳамда шамол энергияси ускуналарини ишлаб чиқарадиган корхоналар вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш му-

ҳим масалалардан бири ҳисобланади. Мисол учун, жаҳон ҳамжамияти муқобил энергия манбаларининг энергетикадаги улушини 2020 йилгача 20 фоизга кўтаришни мўлжалламоқда. Ўзбекистон ҳам бу борда муайян тажрибага эга. Қуёш энергиясини термодинамик айлантириш, қуёшли-фотозелетриқ, қуёшли-иссиқлик электростанциялари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида қуёш ва шамол энергияси ускуналари, фотозелетриқ модуллари ҳамда қурилмаларни ишлаб чиқариш изчил йўлга қўйилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистоннинг сармоёвий салоҳияти Хитойда тақдим этилди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

“Глобал иқтисодий бўҳрон, Еврохудуддаги қарз билан боғлиқ инқироз шароитида “Ангрен” махсус индустриал зонасининг барпо этилиши Ўзбекистоннинг ўз мақсадлари йўлида ишонч қадим ташлаётгани ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва модернизациялаш йўлида изчил ҳаракат қилаётганини кўрсатади. Бундай лойиҳалар бўлажак сармоёдорларни жалб этиш, дунё мамлакатлари, жумладан, Хитой ҳамда Цзянсу провинцияси билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга туртки бўлиши шубҳасиздир”, деди хитойлик иқтисодчи.

Саноат ва тижорат федерацияси раисининг ўринбосари, Савдо-саноат палатасининг вице-президенти Пан Хуэ

Ўзбекистон эришган иқтисодий муваффақиятлар юксак эътирофга сазовор эканлигини қайд этди. Унинг сўзларига қараганда, юқори технология соҳасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон ва ХХР ўртасида имзоланган Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги битим икки мамлакат ишбилармон доираларига ишонч ва дадиллик бахш этадиган мўҳим ҳужжатлардан ҳисобланади.

Пан Хуэ мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг юқори технологияларни жорий қилиш, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини ва самардорлигини юксалтириш бо-

расидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлашни маълум қилар экан, бу ташаббус импортига боғлиқликни камайтиришни ҳамда юртимизда янги иқтисодий юксалишларни бошлаб беришини алоҳида таъкидлади.

2002 йилда Ўзбекистонда бўлган интиқиллар экан, Пан Хуэ 2011 йилда эришилган иқтисодий муваффақиятлар ва 2012 йили қўлга киритилган муваффақиятларни кўрсатишчи муҳим ҳужжатлардан ҳисобланади. Унинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг оқилона сиёсати туфайли мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлди, иқтисодий тараққиётнинг ҳар томонлама асосланган

“Ўзбек модели” эса кўплаб мамлакатлар учун намуна бўла олади. “Цзянсу Чиендиолон Групп” компаниясининг президенти Цзян Цзяпин юртимиз иқтисодий ривожланишининг суъратларига юқори баҳо берар экан, ўз компанияси Ўзбекистон иқтисодиётига, асосан, юртимизнинг тоғ-кон саноатига сармоё киритишга қарор қилганини айтди.

Цзян Цзяпин ўзи раҳбарлик қилган компания Австралия, Россия, Индонезия ва Африка давлатларида мис ишлаб чиқариш бўйича сармоёвий лойиҳаларни амалга ошираётгани ҳамда эркин иқтисодий ҳудудларда ишлаб бўйича катта тажрибага эга эканлигини маълум қилди. У тўланган ихтиёрий тажрибага таянган ҳолда, “Цзянсу Чиендиолон Групп” компанияси Жизжаз вилоятида Юқори технологиялар паркни барпо этиш ишига ўз ҳиссасини қўшиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Момоно МУХТОРОВА, меҳнат фахрийи, Бехот тумани, Хос қишлоғи:

— Бугунги ёшларга ҳава-сим келади. Ҳар жиҳатдан баркамол, бахтиёр. Менинг ҳам элликам яқин неварачевараларим бор. Ҳар сафар уларнинг шод-хуррам-лигини, эришаётган ютуқларини кўрганимда, чин дил-мақомим билан қўл-қўл қўларимдан бирини катта хур-сандчилик билан ҳарбий хизматга қўзғатган эдик. Қуни кеча кўзлари чакнаб, юзлари ёғиб бўлиб юрт олдидаги йигитлик бурчининг адо этиб қайтди. Ҳадемай, ўқийжа киради, уйлантира-миз, уйли-жойли бўлади. Аскар либосидаги болажонимга қараб, уруш йилларида алпқомат фарзанди-

ийшталигимиз туфайли умимиз давомчилирига насиб этди, дея шукрона айтаман. Юрт тинчилигига нима етсин? Мана, яқинда эвараларимдан бирини катта хур-сандчилик билан ҳарбий хизматга қўзғатган эдик. Қуни кеча кўзлари чакнаб, юзлари ёғиб бўлиб юрт олдидаги йигитлик бурчининг адо этиб қайтди. Ҳадемай, ўқийжа киради, уйлантира-миз, уйли-жойли бўлади. Аскар либосидаги болажонимга қараб, уруш йилларида алпқомат фарзанди-

дан, ёридан, ака-укасини айрилиб, фарёд чеккан дийдалар, очлик ва ночорликдан қийналган аёллар, хотин-қизларнинг бошига тушган турли синову машаққатлар кўз олдидан ўтади...

Тинчликнинг баҳоси йўқ. Биз, кексалар, шунинг учун ҳам фарзандларимизга бундай дориларом қўларингиз каттига еттишлар, дея насихат қиламиз. Фотиҳага қўл очганда эса, аввало, юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликка кўз тегмасин, деб дуо қиламиз.

Эътибор, эҳтиром, мурувват

Тойир АҲМЕДОВ, “Нуроний” жамғармаси Жизжаз шаҳар бўлими раиси:

— Юртбошимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони барчамизнинг, жумладан, уруш фахрийларининг кўнгил-ноғизини қўзғайди. Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан маҳаллаларда, таълим муассасаларида турли тадбирлар уюштирилди. Шахримизда истиқомат қилаётган 28 нафар уруш қатнашчиларининг 14 нафари ушбу байрам тадбир-

ларида бевосита қатнашгани, айниқса, ёшлар учун ибрат бўлди. Жамоатчилик вакиллари иштирокида, биринчи навбатда, уйда ётиб қолган 14 нафар уруш қатнашчиларининг хонадонига бориб, хабар олинди. Уларга пул мукофотлари, озик-овқат маҳсулотлари, совғалар тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, 14 нафар уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийси учун байрам тадбири ташкил этилди. Улар ҳам эъзоз-эътибор ва меҳр-мурувватдан баҳраманд бўлдилар.

Санжар ҲАЙИТОВ, Когон шаҳар ички ишлар бўлимига қарашли 53-марказий милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, капитан:

— Худудимизда салкам мингга яқин оила истиқомат қилади. Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳафсизлигини таъминлашда маҳалла, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаётганимиз кўл келмакда. Кексаларга иззат-ҳурмат

қўрсатиш, эҳтиётчанлик билан муносабат билан маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ҳудудимизда яшаётган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, кекса авлод вакиллари билан ёшларнинг учрашувларини ташкил этдик. Нуроний отахон ва онахонларнинг тинчликнинг

қадрига етиш, муваққил-гимизни мустаҳкамлаш, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги суҳбатлари ўйли-қизилар учун ўзига хос сабоқ вазифини ўтади. Шу каби ибратли ишлар, тўпланган тажриба зое кетмайпти. Республика Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган “Намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловининг вилоят босқичида голиб чиқдик.

Ботир МИРЗАЕВ, Сирдарё вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси бош шифокори ўринбосари:

— Уруш ва меҳнат фахрийларига нафақат меҳр-мурувват қўрсатиш, балки уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам — устувор вазифа. Бизнинг шифохонамиз шунга ихтисослаштирилган. Бу ерда 160 нафар уруш ногирони ва фахрийлар кўрсатма туради. Уларнинг

саломатлиги доимий назоратимизда. Шифокорларимиз ана шу нуронийларнинг хонадонларига бориб, тез-тез тиббий кўриқдан ўтказиб туришди. Ташхис натижаларига қўра, муолажаларни амалга оширади. Масалан, ўтган йили 1700 нафардан зиёд фахрийни даволади. Жорий йилда ҳам беминнат хизматимиздан миннатдор бўлган кекса авлод вакиллари кўп. Поликлиника, физиотерапевтик марказ улар ихтиёрида.

Хотира — абадий, қадр — муқаддас

Поитахтимизда “Нуроний” жамғармаси ва “Unitel” мобил алоқа оператори ҳамкорлигида 9 май — Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унга 350 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ва меҳнат фахрийлари тақлиф этилди.

Тадбир

Тадбирда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий кенгаши раиси Э. Боқибоев, “Unitel” компанияси бош директорининг ўринбосари А. Коланов ва бошқалар мамлакатимизда нуроний отахон ва онахонлар, фахрийларга ҳар томонлама ёрдам қўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони бунинг яна бир ёрқин далилидир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари, байрам совғалари тантанали топширилмоқда.

— Шундай дориларом кўнараганда, Ватанимиз равнақини қўриш насиб этганидан биз, фахрийлар гоёт хурсандим, — дейди Тошкент вилоятининг Қўб-рай туманидан Мўмин ота Атакаев. — Юртимизда

тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда, дастурахонимиз тўқин. Ўсиб келаётган ёшларга тилагим — сиз учун яратилган мана шу улкан шарт-шароитларни қадрланг.

Маданият ва санъат намоёндалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўларининг Марказий ашула ва гоёт хурсандим, — дейди Тошкент вилоятининг Қўб-рай туманидан Мўмин ота Атакаев. — Юртимизда

яқинлашиб келаётган байрам билан табриқлади. Тадбирда тинчлик ва муваққил Ватанимиз ҳақида қўшиқлар янгради.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-



нинг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Сардор ТОЖИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ. Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 8 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртимиз, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	18,77	1 Исландия кронаси	14,81	1 СДР	2828,57
1 Англия фунт стерлинги	3002,15	1 Канада доллари	1867,07	1 Туркия лираси	1051,88
1 Дания кронаси	325,03	1 Хитой юани	295,06	1 Швейцария франки	2012,79
1 БАА дирхами	507,02	1 Россия рубли	62,47	1 ЕВРО	2456,53
1 АКШ доллари	1862,03	1 Украина гривнаси	233,05	10 Жанубий Корея вони	16,35
1 Миср фунти	308,08	1 Малайзия рингити	608,51	10 Япония иенаси	233,31
		1 Польша злотийси	574,47		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олмаган.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Биз тақлиф қилган уруғлик картошканинг юқори элита авлодларини хужайра технологияларига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш кишлоқ хўжалиги ходимлари, жумладан, фермерларни қизқитиб қўйди, — дейди Биоинженерия ва селекция институти илмий ходими Мамура Собирова. — Хусусан, янги технология ёрдамида кўпайтирилган “Сарнав” нави республикамизнинг қурғоқчилик ва шурқоқ ерларига мўлжалланган бўлиб, у аънанавий усулда парвартишланганда гектарига 30-40 центнердан ҳосил беради. Тоғли худудларда эса бу кўрсаткич 50-65 центнерга етати. Чўчки қаламча усули орқали уруғлик картошканинг касалликлардан буткул холи бўлган супер-элитавари етиштирилади.

Маълумки, кейинги пайтда дунё олимларини ўйлантираётган масалалардан бири — бу чўчкиларни утиллантиришдир. Сабаби, бугунги кунда жаҳон бўйича киши бошига бир

Тараққиётни жадаллаштирувчи инновациялар

кеча-кундузда ўртача 1,2 килограмм маийш чўчкини тўғри келмоқда. Шундан 70 фоиздан ортиги органик маҳсулотлар ҳисобланади. Бунга саноат чўчкиндилари ҳам қўшилидиган бўлса, унинг салмоғи нечонли катталигини ўзининг тасаввур қилиб кўраверинг.

Қувонарлиси, юртимиз олимлари ушбу масала ечим бўйича ҳам илмий излашлар олиб боришмоқда. Шу мақсадда яратилган технологиялар бу йилги ярмарка иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Улар орасида термини қайта ишлаш саноати оқова сувларини тозалаш технологияси чинакам янгилик бўлди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, терини қайта ишлаш жараёнида нисбатан кўп сув ишлатили-

лар оқибатида катта миқдорда оқова сув чиқарилади. Тошкент давлат техника университети олимларининг инновация ишланмасини қўллаш орқали шу каби мураккаб таркибдаги оқова сувларини комплекс тозалаш мумкин. Бунинг учун маҳаллий, асосан, иккаламчи материаллардан фойдаланилиши эътиборга олинди.

V Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси доирасида инновацион фаолиятни ривожлантиришга бағишланган долларб мавзуларда семинарлар ва давра суҳбатлари ҳам ўтказилди. Бундан ташқари, илк бор “Технологиялар трансфери” ҳамда “Оилавий бизнес” бўлимлари ташкил қилиниб, уларда 75 га яқин ишланма-

батлашманг, мамлакатимиз илмий салоҳиятининг чинакам намоёйишига айланган тадбирда катта ҳажмда шартномалар имзолашга муваффақ бўлганини айтди. Бу бежиз эмас, албатта. Чўчки юртимиз олимлари томонидан саноат талабига уйғун равишда инновацион технологиялар ва замонавий ишланмалар яратилаяпти. Улар иқтисодиётимиз тараққиётини янада жадаллаштиришнинг қафолатидир!

V Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси аънанавий энг яхши инновация лойиҳалари танлови голибларини тақдирлаш маросими билан якунланди. Голиблар ярмарканинг барча соҳа ва йўналишларини ўз ичига олган 8 та номинация бўйича аниқланди. Тадбирнинг ёпилиши ва энг яхши иштирокчиларни мукофотлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирынинг ўринбосари А. Арипов сўзга чиқди.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Мамлакатимизда муқобил энергияни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, илмий излашлар ўзининг ижобий самараларини бераёпти, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали директори ўринбосари, доцент, техника фанлари номзооди Шавкат Имомов. —

Муқобил энергия: Изланиш ва истиқбол

Институтимиз тадқиқотчилари бу борада кўплаб изланишлар олиб боришаёпти. Бунинг натижаси ўлароқ, яқинда кўп функцияли биологик газ олиш қурилмасини ихтиро қилдик. Мазкур қурилма фермер хўжалиқлари ҳамда шаҳар оқова сувларидан биологик газ ва юқори сифатли органик ўғит олишга мўлжалланган бўлиб, ишлаш механизми содда бўлгани учун ҳар қандай фермер мустақил ишлатиш имкониятига эга. Бундан ташқари, ҳозир яна бир янги лойиҳа — электр қувватини ҳосил қилувчи кичик ГЭСларни қуриш устида иш олиб бораёпмиз.

Шунингдек, семинарда соҳадаги мавжуд муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Тадбир иштирокчилари, ўз навбатида, мамлакатимизда муқобил энергетикани ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланишда, аввало, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ушбу йўналишда аниқ концепция ва Давлат дастури ишлаб чиқишлиши зарурлигини қайд этдилар.

Семинарда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Зиёда АШУРОВА.

Ташаббус самараси

Ургут туманидаги “Сам-Нур-Тафвиз” қўшма корхонаси бундан саккиз йил муқаддам ўз фаолиятини гилам ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Ушунда маҳаллий тадбиркор Баҳодир Ахоровнинг истиқболли лойиҳаси хорижий инвесторларга маъқул тушди. Тез орада катта миқдорда сармоё ажратилди.

Жастораён



Худуддаги ташландик бино мукамал таъмирланиб, илгор дастгоҳлар билан таъминланди. Корхона жамоаси маҳаллий йигит-қизлар ҳисобидан шакллантирилди, 24 нафар мутахассис ишга

қабул қилинди. Бугунги кунга келиб “Сам-Нур-Тафвиз” йирик ишлаб чиқариш субъектига айланган. Утган даврда бу ерда амалга оширилган кенг кўламли модернизация ишлари қўшма кор-

хона фаолияти кенгайтишига асос бўлди. Хусусан, 2010 йилда “Сам-Нур-Тафвиз” жамоаси навбатдаги лойиҳани рўёбга чиқарди. 100 минг АКШ доллари эвазига хориждан янги дастгоҳлар кел-

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: корхона фаолиятинан давт.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Дил сўзи

Журналистика соҳасида “Олтин қалам” VII бош миллий мукофотига “Фаргона ҳақиқати” — “Ферганская правда” газеталари тахририяти сазовор бўлгани фарғоналик ижодкорлар билан биргаликда бутун водийлик қалам аҳлини мамнун этди.

Ижодий парвозга рағбат

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда “Фаргона ҳақиқати” — “Ферганская правда” тахририяти биноси мукамал таъмирдан чиқарилди. Тахририятнинг муқобил-техник базаси яхшиланди. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарорига асосан, солиқлардан иқтисод қилинган маблағларимиз эвазига тахририятимизнинг ҳар бир хонаси замонавий компьютер, алоқа воситалари билан жиҳозланди.

Таъкидлаш лозимки, айни кунларда фарғоналиклар улкан бунёдкорлик жараёни билан яшамоқда. Бу борада Юртбошимизнинг “2012 — 2015 йиллар даврига Фарғона шахрининг асосий режасини амал-

га ошириш ҳамда ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфраструктурасини қайта қуриш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори мўҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди. Ҳозир вилоят марказида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва янгиланиш ишларида барча-барча фарғоналиклар — нуронийлардан тортиб талаба ёшларгача, корхона-ташкилотлар вакиллари, маҳаллалар фаоллари бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Ўз навбатида, бу каби ҳаётбахш ислохотлар, халқимизнинг гайрат-шижоати, эртанги кун истиқболли билан боғлиқ ёруғ орзулари газеталаримиз саҳифаларида тўлиқ акс эттирилмоқда.

Албатта, ижодий жамоамизга билдирилган юксак ишонч журналистларимизни ўз фаолиятларига янада маъсуляти билан ёндашишга ундайди.

Бахромжон ОБИДЖОНОВ, «Фаргона ҳақиқати» — “Ферганская правда” газеталари бош муҳаррири.

Имтиёз фаолиятини кенгайтириш

Термиз шахрлик Шавкат Эломоновнинг тадбиркорлик билан шуғулланаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Айни пайтда унинг “Термиз сўт” масъулияти чекланган жамияти аҳоли дастурахонига ўн турдаги сўт ва сўт маҳсулотлари етказиб бермоқда. Асосийси, корхонада 25 кишининг бандлиги таъминланган.

Интилиш

— Тадбиркорларга яратилаётган имтиёزلардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни йилдан-йилга кенгайтириб бораёпмиз, — дейди корхона раҳбари Ш. Эломонов. — Яқинда банкдан олган 135 миллион сўмлик кредит эвазига музқаймоқ ва яна ичмилликлар тайёрлашга мўлжалланган замонавий технологик линияни ишга туширдик.

Жорий йилнинг биринчи чоғида Термиз шахрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 10 та лойиҳа амалга оширилиб, бир миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Нормурот ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Бебаҳо анъаналар, боқий қадриятлар

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Бу йил ушбу нуфузли фестивалнинг Қорақалпоғистонда ўтказилаётганлиги бизга чексиз фахр бағишлади, — дейди дизайнер Зухра Жақсимуратова. — Тадбирда кўлаб хорихлик меҳмонлар бизнинг маданиятимиз, тарихимиз, бой меросимиз билан яқиндан танишишмоқда. Ўзим ҳам бир ёш дизайнер сифатида мазкур фестивалда қатнашаётганимдан бениҳоя хурсандман. Миллий либослар намойишига устозим Айзада Нуримбетова билан биргаликда яратган ижодий тўпламларимизни олиб келдик. Анъанавий қорақалпоқ либослари ва кичкинтойлар кийимларидан иборат мазкур тўпламларни қўл меҳнати билан яратганимиз боис улар кўпчиликда қизиқиб уйғотди.

Шу кунни амалий санъат

кўргазма-ярмаркаси расталари қўли гул хунармандлар ясаган бири-биридан ажойиб буюмлар билан тўлди. Тошкентлик моҳир усталардан бири, миниатюрчи расом — Баходир Хожиметов бу гал ҳам фестивалга узгача тарадуд билан келибди. Зеро, санъаткор ўғли Бехзод билан ижодий ҳамкорликда яратган бадиий лавҳаларда буюк ўтмишимизга дахлдор воқеликлар, миллий қаҳрамонларимиз жасорати жуда ҳам таъсирчан акс эттирилган.

Нуқсулик Гумисой Раметуллаева эса миллий қорақалпоқ нақшлари тўширилган бежирим сўзана, чимилдик, нимчаю камзулларни санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилди.

— Ўзбекини англаган, миллий қадриятлар эъзоз тоған шундай юрда туғилиб-ўсганининг ўзи менинг бахтим, — дейди каштадўз.

Австрия, АҚШ, Буюк Британия, БАА, Венгрия, Германия, Испания, Италия, Россия, Франция, Хитой, Швейцария, Япония каби мамлакатлардан меҳмонлар ташриф бурдилар.

— Халқингизнинг меҳмондўстлиги, самимияти ва санъатга муҳаббати таҳсинга сазовор, — дея дилларидеги ҳаяжонни изҳор қилишди франциялик сайёҳлар Клод Патрик ва Катрин Тивина. — Ўзбекистоннинг табиати, шаҳару қишлоқлари қиёфаси жуда ҳам гўзал экан. Биз, аслида, Хива шаҳрига саёҳат қилиш учун юртингизга келган эдик. Фестиваль ҳақида эшитган, Турроққалъани ҳам қиришни исладиқ. Ранг-баранг тадбирларга бой ушбу анжуманда ноёб иқтидорли хунармандлар, санъаткорлар, спортчилар ижоди, уларнинг ютуқлари билан яқиндан таниш-

деганда, бугун томошабинлар орасида миллий анъаналар, санъат ва ижоддаги ангилликлар, тарихий ўлкалар ҳаёти ҳамда маданиятига қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Чиндан ҳам, икки кун давом этган фестивал қалбларга кўтаринкилик, қувонч бахш этиши баробарида, ижодкорлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди. Энг муҳими, «Асрлар садоси» фестивалида фаол иштирок этган ижодкорлар муносиб тақдирландилар. Фестивалда турли номинациялар бўйича гўлиб деб топилган Қорақалпоғистон Республикасининг «Гулзор» ва «Бўстон гуллари» фольклор-этнографик, «Тонг юлдузи» болалар этнографик жамоалари, Самарқанднинг «Чавқи», Сурхондарёнинг «Булбулғўё», Фарғонанинг «Қўқон ёр-ёри», Наманганнинг «Хуш наво», Андижоннинг «Гулруҳ» фольклор-этнографик жамоалари, сурхондарёлик бахши Илҳом Норов, қорақалпоғистонлик жиров Саламат Аялов ва бахши Бекзода Аскарлова, хунармандлар — қорақалпоғистонлик Жўзимбой Қосимбетов, Айтгул Аббаева, ошпазлар — Гулистон Рсимова ҳамда Исматило Амиров, дизайнерлар — Сарвиноз Икромова ва Дилнавоз Абдиева каби ўз касбининг усталирига диплом ҳамда совринлар топширилди.

Тадбир таниқли санъат усталари ва фольклор жамоалари ижросидаги гала-концерт билан якунланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

«Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида **Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА)** билан биргаликда **Тошкент шаҳрида ташкил этилган Касб-хунарга ўқитиш марказида ўқиб-қилишни ҳақида эълон қилади.**

Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказида иш билан банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан, коллежлар ва лицейларни тамомлаган ҳамда доимий ишга эга бўлмаган шахслар, 11-синф маълумотига эга бўлган фуқаролар қуйидаги асосий йўналишлар ва мутахассисликлар:

автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), машинасозлик ишлаб чиқариши (токалар, фрезерчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), электрлаштириш, автоматлаштириш ва электроника (электрон қурilmаларни дастурлаш, электрон майший техника, радио ва телеаппаратларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш мутахассислари), ахборот технологиялари (ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш мутахассислари) бўйича 1 йилгача муддатда бепул тайёрланади ва қайта тайёрланади.

Шунингдек, марказда юқорида қайд этилган мутахассисликлар бўйича шартнома асосида санъат ишлаб чиқариш корхоналари ишчи-ҳодимларининг малакаси оширилади. Ўзбекистоннинг меҳнат бозорига талаб катта бўлган касблар бўйича иш излаётган шахслар

пуллик асосда қисқа муддатда ўқитилади ва малакаси оширилади ҳамда Корея Республикасига ишга юборилаётган фуқаролар кетишдан олдин пуллик асосда тайёрланади ва мослаштирилади.

Касб-хунарга ўқитиш марказига қабул қилиш, унда ўқиб-қилишни билдирганларнинг ихтиёрий танловига мувофиқ, мутахассислик ва касб-хунар бўйича туман (шаҳар) бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг йўналмалари асосида амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига:

— махсус ўқув предметлари асосида ўқув фанлари; — таълим, касб-хунар ва мутахассисликлар йўналишлари классификаторига мувофиқ тегишли малака берилганлиги қайд этилган касб-хунар таълими тўғрисидаги давлат дипломи (сертификати) берилди.

Марказни тугатганлик тўғрисидаги диплом (сертификат) эгалланган мутахассислик бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Ҳужжатларни қабул қилиш — 2012 йил 5 майдан 15 майгача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 даҳаси, Касб-хунарга ўқитиш маркази. Телефонлар: (+998 71) 239-88-23, (+998 97) 446-36-63.

«НЕФТГАЗКИРАВОМАТИКА» МЧЖ

КОМПЛЕКС КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ВА ДЕФЕКТОСКОПИЯ

Зарар келтирмайдиган назорат лабораторияси санъат корхоналари ва автомобилларга ёқилган қуйиш шохобчаларида портловчан ҳамда ёнган келтириб чиқариши мумкин бўлган моддалар сақланадиган, транспортирова қилинадиган ва сотиладиган объектларни дефектоскопия ҳамда комплекс кўриқдан ўтказиш ишларини бажаради. Жумладан, босим остида ишлайдиган нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган резервуарлар, идишлар (сосуд), шунингдек, ер усти ҳамда ер остида ётказилган газ ва суюқлик ўтказадиган қувурлар, қозонлар ҳамда юқоридаги механизмларни зарар келтирмайдиган назорат усули билан текширувдан ўтказиш. Булар қуйидагилардан иборат:

- визуал-ўлчов назорати;
- ультратовушли назорат;
- капилляр назорат;
- рентгенографик назорат;
- паспортларни тиклаш (резервуарлар, идишлар (сосуд), қозонлар, газ ва суюқлик ўтказадиган қувурлар, юқоридаги механизмлар);
- объектнинг техник ҳолати ҳақида ҳулоса бериш.

ГЕОМЕТРИК ВА ҲАЖМИЙ УСЎЛ БИЛАН ТЕКШИРИШ ҲАМДА КАПИРЛАШ

«Нефтьгазкиравтоматика» компаниясининг метрологик хизмати цилиндрсимон горизонтал ва вертикал пўлат резервуарларни ҳамда геометрик усул билан, газ ва суюқлик ўтказадиган технологик қувурларни ҳам даврий текширувдан ўтказиш, ўлчаш диапозони — 1 м дан 5000 м гача. Бизнинг текширув лабораториямиз замонавий дастурий таъминот билан жиҳозланган бўлиб, Россиянинг расходомерия илмий текшириш институти томонидан текширувдан ўтказилган. Текширув натижасига қўра, қуйидаги резервуарлар даражали (градуировачные) жадваллар ва сертификатларга эгадир:

- вертикал ва горизонтал;
- идишлар (сосуд);
- газ ва суюқлик ўтказадиган қувурлар.

Лаборатория замонавий асбоб-усуналар билан жиҳозланган, корхонанинг барча мутахассислари юқори даражали малакага ҳамда меҳнат стажига эга бўлиб, мазкур ишларнинг юқори сифатли бажарилишига қафолат берамиз.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Манзил: Ўзбекистон, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 107-«А» уй.
Телефонлар: (+99871) 238-93-40, (+99897) 157-54-35. Тел./факс: (+99871) 238-93-42.
E-mail: info@ngka.uz http://www.ngka.uz

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси

Ўзбекистон халқини Хотира ва қадрлаш кунин билан самимий табриклайди!

Бугунги ёруғ кунлар, эртанги истиқбол учун жонини фидо қилган аجدодларимиз, ота-боболаримизнинг хотираси мангу яшайди.

Тинчлик ва фаровонлик қарор топган жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашини тилаймиз!

9 май

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
пластик карточкаларни етказиб бериш бўйича очиқ тендер эълон қилади.

Тендер бошланган ва у ҳақида эълон чоп этилган сана — 2012 йил 1 май.
Тендернинг якуний санаси — 2012 йил 30 май соат 17.00 га қадар (Тошкент вақти билан).
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тендер буюртмачиси ва контракт эгаси ҳисобланади.
Тендерда харид қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва/ёки авторизацияга эга етказиб берувчи ҳисобланган тендер предметига ўхшаш маҳсулотни тегишли ҳажмда етказиб бериш бўйича тажрибага эга хорихий ҳамда мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
Тендер комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз қўчаси, 3-уй, телефон: (+998 71) 140-36-32. Факс: (+998 71) 140-36-38. E-mail: info@uzpsb.uz
Тендер мазмуни:
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБдаги мавжуд карточка тизимини янада ривожлантириш учун пластик карточкаларни етказиб бериш.
Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари:
Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари тендер ҳужжатида акс эттирилган.
Тендер ҳужжатлари тўловлилик шартлари асосида тақдим этилади. Маълумот учун, шунингдек, тендер ҳужжатларини олиш учун тендер комиссияси ишчи органига мурожаат қилиш лозим.
Тендер тақлифларини қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 30 май 17.00 га қадар (Тошкент вақти билан).
Мазкур эълоннинг бирламчи манбаси «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ корпоратив сайтида: www.uzpsb.uz

Том маркази

(STIL INVEST SERVIS)

- ✓ металлочерепица (2 вида. металл производства России)
- ✓ профнастил (гофр-0.17, 0.22, 0.35)
- ✓ аксессуары для любых типов кровли
- ✓ вентиляционные системы

Форма оплаты — любая. Производим монтаж любых типов кровли.

E-mail: TOMMARKAZI@MAIL.RU
Телефон 300-09-05. Факс 228-55-93.
Товар сертифицирован. Губарнома № 003528-01.

ООО «SHANXU PLAST GROUP»

ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

производит **полиэтиленовые трубы**
Ø от 16 до 800 мм
для водоснабжения, канализации и газа,

соединительные детали: **тройники, переходники, отводы, адаптеры.**

НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.

Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ. *Гарантия качества! Звоните!*

г. Ташкент, ул. Шайхантахурская, 36, бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.
Тел./факс (8-371) 244-83-00,
моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институти жамоаси Менежмент кафедраси доценти Самад Юлдашевга падали бузруквори **НОРМУМИН** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Молия муассасаларида



Мустақам молия-банк тизими мамлакат тараққитида муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳа ривожига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Пировардида юртимизда бошқа жабҳалар қатори молия муассасаларининг барқарорлиги ошириб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири сезилаётган бугунги шароитда ҳам

изчил ўсиш суръатлари сақланиб турибди.

Улар орасида "Ипотека-банк"нинг алоҳида ўрни, ўзига хос нуфузи бор, албатта. Боиси ушбу банк барқарорлигини ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самараларини бераётди. Утган йилги асосий кўрсаткичлар буйича эришилган натижалар бунинг ёрқин тасдиғидир.

«Ипотека-банк»: Сифатли хизматнинг халқаро эътирофи

Гап шундаки, 2011 йилда банк капитали 29,3 фоиз ёки 35,5 млрд. сўмга кўпайиб, 156,8 млрд. сўмга етказилди. Диққатга сазовор жиҳати, 7,3 млрд. сўмлик банк акциялари биржа орқали жойлаштирилди. Бу эса "Ипотека-банк" устав капитали 87,5 млрд. сўм, умумий капитали 156,8 млрд. сўмга етиб, унинг инвестициявий фаолигини янада кучайтиришга хизмат қилди.


Бу борада банкнинг депозит базаси кўрсаткичларидаги ўзгариш ҳам катта аҳамият касб этаётди. Негаки, ушбу микдор 837,7 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, 2011 йил бошидагига нисбатан 314,5 млрд. сўм ёки 60,1 фоизга ўсди. Жумладан, аҳолининг банкдаги омонатлари 193,6 млрд. сўмга етди ва йил бошидагига нисбатан 39 млрд. сўм ёки 25,3 фоиз-

га ошди. Бундан ташқари, "Ипотека-банк"нинг соф активлари 1,5 трлн. сўмдан зиёд бўлди.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йил давомида банкнинг кредит портфели йил бошидагига нисбатан 62,2 фоиз ёки 355,5 млрд. сўмга ўсиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, 926,5 млрд. сўмга етди.

Шуларга уйғун тарзда ҳозир "Ипотека-банк"нинг 37 та филиалида 141 валюта айирбошлаш шохобчаси, 122 та минибанк, 503 та жамғарма касса ва 143 та халқаро пул ўтказиш шохобчаси фаолият юритиб келмоқда. Улар томонидан 70 минг (шундан 65 минг нафари актив фаолият юритувчи) хўжалик юритувчи мижозга ҳамда 970 минг нафар омонатчи-жисмоний шахсга хизмат кўрсатилмоқда.

«Ипотека-банк» активлари (млрд. сўм)



2012 йил май ойида жаҳонда катта нуфузга эга "Standard & Poor's" агентлиги "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкига истиқболи "Барқарор" баҳоланган "В+/В" рейтинги белгиланишининг боиси ҳам шунда. Энг муҳими, ушбу молия муассасаси глобал агентлигининг бундай юқори рейтингига биринчи бор сазовор бўлди.

Бошқача айтганда, узок муддатли "В+" ва қисқа муддатли "В" рейтинглари "Ипотека-банк"нинг бизнес позицияси, капитал етарлилиги ва даромадлиқнинг яхши кўрсаткичлари эътирофидир.


Айтиш лозимки, агентлик рейтинг ҳисоботида "Ипотека-банк"нинг йилдан-йилга яхшиланиб бораётган активлар сифати, муҳим бозор позицияси, нисбатан яхши диверсификацияга эга депозит базаси, етарли ликвидлик даражаси ва активлар

концентрацияси билан боғлиқ рисклар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, унда "Ипотека-банк" Ўзбекистон банк тизими учун муҳим аҳамиятга эга ва давлат томонидан қўллаб-қувватланувчи йирик банклардан бири эканлиги қайд этилган. "Ипотека-банк" орқали республиканинг конметаллургия, коммунал соҳаларидаги йирик лойиҳалар ҳамда шаҳарлардаги уй-жой қурилиши ва ипотека кредитлари молиялаштирилгани бунга бир мисолдир.

Табиийки, агентлик томонидан "Ипотека-банк"нинг фаолияти ва молиявий кўрсаткичлари яқин истиқболда ҳам сақланиб қолиши кутилаётгани унинг корпоратив ҳамда чакана сектордаги ривожланиш режалари рейтингининг истиқболи "Барқарор" баҳоланишида муҳим роль ўйнади.

«Ипотека-банк» капитали (млрд. сўм)



STANDARD & POOR'S

2012 йил май ойида

«STANDARD & POOR'S»

халқаро рейтинг агентлиги

«Ипотека-банк»

акциядорлик тижорат ипотека банкига

«В+/В»

рейтингини белгилади.

Рейтинг истиқболи

«БАРҚАРОР»



ОАТ «АЛОҚАБАНК» ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини

Хотира ва қадрлаш кунини

билан самимий қутлайди!

Бугун биз нуруний отахон ва меҳриқарё онахонларнинг матноати ҳамда жасорати олдида чуқур эҳтиром билан бош эгамиз.

Мамлакатимизда инсон, унинг шаъни-шавкатини қўлловчи эзгу қадриятларимиз тантанана қилаверсин! Халмиша юртимиз тинч бўлиб, мустаким Ўзбекистонимиз гўллаб-яшнаверсин!

МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказига юқори малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарини ўқитишнинг қуйидаги йўналишлари буйича ишга қабул қилади:

автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси буйича мутахассислар), машинасозлик ишлаб чиқариши (токарлар, фрезерчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), электрлаштириш, автоматлаштириш ва электроника (электрон қурилмаларни дастурлаш, электрон машиный техника, радио ва телеаппаратларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш мутахассислари), ахборот технологиялари (хисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш мутахассислари).

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 даҳаси, Касб-хунарга ўқитиш маркази.
Телефонлар: (+998 71) 239-88-23, (+998 97) 446-36-63.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ 1-СОНЛИ РЕСПУБЛИКА КЛИНИК ШИФОХОНАСИ

6 ва 2 қаватли биноларни капитал таъмирлаш буйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу биноларнинг техник ҳолатини кўриқдан ўтказиш учун танлов эълон қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 74-уй.
Телефон: (8-371) 233-42-32.

Об-ҳаво	Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
(8 май)	+13 +18 +30 +35	+13 +18 +30 +35	+13 +18 +25 +30	+15 +20 +30 +35	+13 +18 +25 +30	+14 +16 +26 +28

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиқлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Копият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 22.00

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Буранов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.